

**-БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАРИПОВ АБДУХАКИМЖОН ЗИЁИТДИНОВИЧ**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР  
ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

УДК: 323:301:008:1(575.1)

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление  
автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract  
of the doctor of sciences (DSc)**

**Шарипов Абдухакимжон Зиёитдинович**  
Янги Ўзбекистонда маънавий-мафкуравий ислохотлар  
трансформациясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....5

**Шарипов Абдухакимжон Зиёитдинович**  
Социально-философский анализ трансформации  
духовно-идеологических реформ в новом Узбекистане .....33

**Sharipov Abdulkhakimjon Ziyoitdinovich**  
Socio-philosophical analysis of transformation  
spiritual and ideological reforms in the new Uzbekistan .....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of works published .....68

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАРИПОВ АБДУХАКИМЖОН ЗИЁИТДИНОВИЧ**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР  
ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Fal50 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Назаров Қиём Нормерзаевич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Чориев Санжар Анварович**  
фалсафа фанлари доктори

**Алиев Бекдавлат Бегалиевич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Абилов Ўрол Муродович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил “15” декабрь соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (107 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил “3” декабрь кuni тарқатилди.  
(2021 йил “3” декабрь даги 29 рақамли реестр баённомаси.)



**Наврўзова Г. Н.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Нарзиев З. И.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Саломова Х. Ю.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда XXI аср турли манфаатлар тўқнашувининг кучайиши, сиёсат ва ижтимоий ҳаётда муаммоларнинг кескинлашуви, дунё мафкуравий манзарасининг ўзгаришлари глобал тараққиётга хос бўлган хусусиятлар сифатида намоён бўлмоқда. Бундай мураккаб масалага ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий янгиланиш ва ўзгаришлар, маърифий жамият барпо этиш концепциясини амалга ошириш, уларни инсонпарвар мақсадларга йўналтириш орқали ечим топиш зарурати юзага келмоқда. Айниқса, ҳозирги даврда маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформациясининг қонуниятлари, принциплар ва тартиботларини, барқарор тараққиётни таъминлашда унинг фаолият тенденциялари, мураккаб, зиддиятли ва синергетик хусусиятларини янги парадигмал ёндашувлар асосида фалсафий жиҳатдан очиқ бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фани, етакчи илмий марказлар, тадқиқот институтлари ва таълим муассасаларида маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформациясининг умуминсоний ва миллий мезонларини таснифлаш тамойиллари, уларнинг ижтимоийлашув тенденцияси, маданий асослари ҳамда глобаллашув шароитида барқарорликни мустаҳкамлашнинг ижтимоий ва маданий йўналишлари чуқур тадқиқ этилмоқда. Жамиятнинг барқарор тараққиёт индекслари, кўрсаткич ва мезонлари маънавий-мафкуравий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда. Шу нуқтаи назардан, маънавий ва мафкуравий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни туркумлаштириш мезонлари ва тамойилларининг стратегик мақсад ва вазифаларини англаш, рационал ташкил этиш механизмларининг илмий асосларни яратиш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон қадрлари устувор бўлган маънавий макон, маърифатли жамият, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ва онгу тафаккурини юксалтиришга оид чуқур ислохотлар олиб борилмоқда. "... мамлакатимизнинг кейинги даврга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида албатта маънавий-маърифий ислохотларга алоҳида бўлим ажратилиши даркор, деб ҳисоблайман. Истиқболда бу соҳада амалга ошириш зарур бўлган фаолият кўлами ва салмоғи, аҳамияти ва йўналишлари, бу жабҳада ҳам натижадорликка эриши зарурати Ўзбекистоннинг 2022-2032 йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишни ва уни давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлантиришни талаб қилмоқда"<sup>1</sup>. Бу борада Янги Ўзбекистон шароитида маънавий ҳаётдаги янгиланиш ва туб сифатий ўзгаришлар, мафкуравий ислохотлар трансформациясини, уларга хос қонуниятлар ва ижтимоий тараққиёт стратегияларида маънавий-мафкуравий омилларнинг жамият тараққиётидаги фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш, уларни илмий асослаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "O'zbekiston", 2021. – Б.272-273

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465 сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” фармойиши, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 17 сентябрдаги 736-сон “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Глобаллашув шароитида маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформациясини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва таълим муассасалари, жумладан, Cambridge University (Англия), University of British Columbia (Канада), German Institute for International and Security Affairs, German Council on Foreign Relations (Германия), Association internationale pour la Pensee Complex (Франция), Japan Institute of International Affairs (Япония), Марказий Осиё илмий тадқиқотлар Маркази (АҚШ), Халқаро сиёсат тадқиқотлар институти (Япония), Центр исследования интеграции социальнокультурного сотрудничества и глобализации (Белоруссия), Стратегия ва етакчилик Осиё институти (Малайзия), Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. <https://www.bilderbergmeetings.org/>; <https://www.cfr.org/>; <http://trilateral.org/>; <https://www.globalresearch.ca/>; <http://www.ras.ru/>; <https://www.msu.ru/>; [https://piie.com/about-piie](https://piie.com/about-piie;); <https://www.cfr.org/ru/vouthink/globalization.shtm>; <https://www.socionauki.ru/journal/articles/130854>; <https://www.uz.undp.org/>; <https://www.pjie.com/vicrosites/globalization/what-is-globalization.html>; <https://www.blomberg.com/graphics/2019-globalization/>. ва бошқа манбалар асосида тайёрланган

Дунёда маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформациясини тадқиқ этиш асносида турли даражадаги илмий натижалар олинган. Жумладан, XXI асрда жамиятнинг ғоявий ва мафкуравий хусусиятлари глобаллашув контекстида очиб берилган (Center globalization Copenhagen institute for Future Studies, Дания); маънавий кадриятлар трансформациясининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган (миллий кадриятларнинг янгиланиши, турли цивилизациялараро уйғунлашув) (Москва давлат университети Глобалистика факультети илмий тадқиқот маркази ва ЮНЕСКО “Фалсафа ва маданиятлар диалоги” кафедраси, Россия); замонавий глобал жараёнлар тенденциялари ва динамикаси таҳлил этилган (Чумаков А. Н. мактаби, Россия); глобаллашувнинг ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсири масалалари тадқиқ этилган (Антропология жамияти, Ўзбекистон).

Жаҳон ижтимоий-сиёсий тадқиқот марказлари қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб бормоқда: маънавий-мафкуравий жараёнларнинг тараққиёт босқичларини аниқлаш; маънавий-мафкуравий жараёнларнинг миллий ўзликни англашдаги роли, ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатларнинг демократик ислохотлар тизимидаги ўрнини баҳолаш; маънавий-мафкуравий жараёнларнинг мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилишнинг инновацион йўллари илмий тадқиқ этиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маънавият – энг умумий маънода ахлоқий кадриятлар ва анъаналар кўринишида ифодаланадиган мураккаб феномен ҳисобланади. Жаҳон тафаккур тарихида маънавий-мафкуравий жараёнларнинг замонавий жамият ривожига ўрни муаммолари XIX аср охири ва XX аср бошларида Вильгельм Дильтей ва Эдуард Шпрангер томонидан маданият, санъат билан боғлиқ ҳолда психологик омиллар устуворлиги нуқтаи назаридан ўрганилган. Кейинчалик, Карл Густав Юнг маънавиятни гуманистик, трансперсонал ва экзистенциал ёндашув асосида очиб беришга ҳаракат қилган. “Мафкура” атамаси XVIII аср охирида Францияда Антуан-Луи-Клод Дестют, граф де Траси томонидан киритилган, у Этьеном де Кондильяк билан биргаликда ғоялар шаклланишининг умумий тамойиллари ва инсон асослари ҳақида фан яратишга ҳаракат қилганлар<sup>3</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан маънавий янгиланишлар, трансформация шароитида кадриятларнинг ўзгариши, мафкуранинг

<sup>3</sup> Дильтей В. Описательная психология / Перевод с немецкого Е. Д. Зайцевой под ред. Г. Г. Шпета. - СПб.: Алетейя, 1996. - 160 с.; Шпрангер Э. Новая философская энциклопедия: в 4 тт. / Под. ред. В. С. Стёпина. - М.: Советская энциклопедия, 2010. — 2816 с.; Траси, Антуан-Луи-Клод. Основы идеологии. Часть первая: Идеология в собственном смысле слова / Д. А. Ланин (перевод, предисловие, комментарии). - М.: Альма Матер, 2013. - 334 с.; Кондильяк «Опыт о происхождении человеческих знаний» // Étienne Bonnot de Condillac, Hans Aarsleff. Essay on the origin of human knowledge. - Cambridge University Press, 2001. - P. 79.;

тараққиёт дастурларига ҳамоҳанглиги масалалари назарий жиҳатдан С. Б. Токарева, А. Багаутдинов, постиндустриал жамиятга трансформацияланишув жараёнида маънавий муаммоларнинг замонавий ечимлари М. Бахтин, Е. В. Динейкина, Н. Н. Равочкин ва бошқаларнинг тадқиқот объекти бўлган<sup>4</sup>.

Ўзбекистон шароитида маънавий-мафкуравий жараёнлар С. Отамуратов Б. Тўйчиев, Б. Алиев, И. Саифназаров, А. Эркаев, Ў. Абилов, А. Мухторов, Н. Жўраев, М. Қуронон, И. Эргашев, М. Юлдашова ва бир қатор олимлар муайян илмий тадқиқотларни амалга оширганлар. Глобаллашув даврида мафкуравий экспансия ва миллий ғоя зарурати масалалари Ж. Яхшиликков, Н. Муҳаммадиевларнинг тадқиқотларида ҳаётий зарурият эканлиги кўрсатиб ўтилган. Маънавий янгиланишнинг миллий мафкура ва ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ жиҳатлари С. Мамашокиров, Н. Хақимов, З. Қодирова, С. Бердиқулов, М. Қаҳҳорова томонидан тадқиқ этилмоқда. Хусусан, бу тадқиқотларда глобаллашув ва миллий ўзликни асраш муаммолари, маънавий тараққиётнинг шахс камолотига алоқадорлиги, маънавий тараққиёт қонуниятлари, глобаллашув ва ижтимоий фаоллик ва цивилизациялар диалоги каби масалалар тадқиқ этилган. Янги Ўзбекистон феномени, тараққиёт стратегияларининг жамият ривожигаги ўрни, маънавий янгиланиш тамойиллари ва мафкуравий фаолиятнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнига Қ. Назаров тадқиқотларида алоҳида эътибор қаратилган<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Токарева С.Б. Аксиологические основания современной цивилизации: традиции и перспективы. – Волгоград: Волгоградский государственный аграрный университет, 2020. – 176 с.; Багаутдинов А.М. Амбивалентность духовности в информационном обществе: автореф. дисс. на соискание ученой степени доктора философских наук. – Саратов, 2016. – 42 с.; Бахтин М. М. К философии поступка // Философия и социология науки и техники: ежегодник. М., 1989. С. 85-89.; Динейкина Е.В. Духовно-нравственное становление личности в условиях трансформации современного российского общества // Автореферата по ... кандидат наук. ФГАОУ ВО «Северо-Кавказский федеральный университет», 2020. – 41 с.; Равочкин Н.Н. Роль идей в становлении и трансформации политико-правовых институтов современного общества // Автореферат дисс...на соискание учёной степени доктора философских наук. Томск, 2021. – 32с.;

<sup>5</sup> Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2018. – 352 б.; Тўйчиев Б. Политическая культура и демократизация общества. Тошкент, - 2010. – 282 с.; Алиев Б. Фуқаролик жамияти: хорижий тажриба. –Тошкент: Иқтисод, 2016.-140 б.; Саифназаров И., Обидов А. Динлараро ҳамжиҳатлик – ижтимоий барқарорлик омили. – Тошкент: “Инновацион ривожланиш”, 2018. - 136 б.; Эркаев А. Маънавиятшунослик. Маънавият методологияси ва праксиологияси. –Тошкент: “Маънавият”. 2018. – 456 б.; Абилов Ў. Миллий ғоя: маънавий омилар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 220 б.; Мухторов А. Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларни бартараф этиш омиллари / масъул муҳаррир Қ. Куранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: “Маънавият”, 2015. – 32 б.; Жўраев Н. Тамаддунга даъват тараққиёт стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –264 б.; Қуронон М. Бетакоримсан, ягонасан, она ватаним, Ўзбекистоним. –Тошкент: Маънавият, 2015. – 160 б.; Назаров Қ., Эргашев И. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2007. – 433 б.; Юлдашова Ф. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари: фалсафа фанлари буйича фал.докт.(PhD) дисс... автореф...–Тошкент, 2019. – 46 б.; Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Монография. – Тошкент: “Фан”, 2017. – 424 б.; Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007. – 148 б.; Хақимов Н. Стратегия развития страны. Гражданское общество. – Москва: : LAP LAMBERT Academic Publishing, 2021. – 292 с., ISBN: 978-6-203-84678-2; Кадырова З.Р. и др. Проблемы формирования идеологического иммунитета молодежи в процессе развития у неё современного мировоззрения и национальной идентичности. - Ташкент: Национальный университет Узбекистана, 2012. - 202 с.; Қаҳҳорова М. Ахлоқий кадрлар ворислиги. Тошкент., 2003. -30-бет; Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-китоб. – Тошкент: “Маънавият”, 2019. – 920 б.; Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 2-китоб – Тошкент: “Маънавият”, 2019. – 924 б.

Тадқиқот ишида юқорида номлари қайд этилган хорижлик ва маҳаллий олимларнинг фалсафий мазмундаги илмий таҳлиллари эътиборга олинди. Янги Ўзбекистонда маънавий тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, мафкуравий трансформацияни амалга ошириш борасида етарлича илмий тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги боис ушбу тадқиқот ишида маънавий-мафкуравий жараёнлар, ислохотларнинг илмий-назарий, методологик асосларини ишлаб чиқиш, унинг структуравий-функционал жиҳатдан уйғунлаштириш хусусиятлари ижтимоий-фалсафий таҳлил этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” (2017-2021 йй.) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Янги Ўзбекистонда маънавий-мафкуравий ислохотлар трансформациясининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маънавият, мафкура, маънавий-мафкуравий жараёнлар категорияларининг моҳияти, илмий, методологик, эпистемологик, гносеологик жиҳатларини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш;

маънавий-мафкуравий жараёнларнинг тараққиёт мезонлари ва йўналишларини туркумлаштириш тамойилларини аниқлаш;

барқарор тараққиётда маънавий-мафкуравий ислохотларни амалга оширишда инсон ва умуммиллий, умумхалқ манфаатларининг уйғунлашув қонуниятлари, шахс мафкуравий иммунитетини юксалтириш механизмларини очиб бериш;

маънавий ва мафкуравий жараёнлар трансформациясини тадқиқ этиш методологияси билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

жамиятнинг маънавий-мафкуравий соҳадаги тараққиёт йўли, уни интеграциялаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларни структуравий-функционал уйғунлаштириш;

жамият барқарорлигини таъминлашнинг маънавий-мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий омилларини амалга ошириш усуллари ва механизмларини изоҳлаш;

мамлакат барқарорлигини мустаҳкамлашнинг маънавий-мафкуравий йўналишларини ривожлантириш ва унинг миллий тараққиёт дастурларини амалга оширишдаги ролини очиб бериш;

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегияси – маънавий-мафкуравий ислохотларнинг методологик асоси эканлигига доир илмий асосланган хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Янги Ўзбекистонда маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформациясининг институционал тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформациясини такомиллаштириш имкониятлари ва воситаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, комплекс ёндашув, тизимли-функционал ёндашув, контент анализ, ретроспектив таҳлил, диалектик, синергтик, қиёсий таҳлил каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформацияси борасида яратилган илмий-назарий, фалсафий таълимотларда берилган қонуниятларнинг маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, инсон ва жамият билан узвий боғлиқлиги ҳамда ижтимоий тараққиётга алоқадорлигига оид моҳиятини рационаллик, инсонпарварликка мослаштиришнинг ғоявий тарбия, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, маънавий юксалтириш механизмлари ишлаб чиқилган;

маънавий-мафкуравий жараёнларнинг барқарор тараққиёт мезонлари ва йўналишларини туркумлаштириш тамойилларининг жамият ҳаётига, кишилар онги ва фаолиятига детерминистик таъсир этиши натижасида ушбу инсон, унинг ҳаёти, кадри-қиммати, эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилганлик омиллари умумхалқ манфаатларининг ифодасига айланиши асосланган;

маънавий-мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришдаги роли ва аҳамиятини ошириш инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик мезонлари, инсон капиталини ривожлантириш, имкониятларини ошириш, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантириш, юқори сифатли ҳаётни таъминлаш кўрсаткичлари ва глобал рақобатбардошлик, институционал ривожланиш, барқарор тараққиёт мақсадлари ва инсон камолоти индикаторлари очиқ берилган;

маънавий ва мафкуравий жараёнларни структуравий-функционал уйғунлаштириш ҳамда жамиятнинг маънавий юксалиши ва мафкуравий ўзгаришлар тенденциясининг маънавий қадриятларни янгилаш, янги замон қадриятларини ишлаб чиқиш, жамиятни модернизациялашга оид ижтимоий, ғоявий ҳимоя, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик ўрнатишнинг ташкилий ва маънавий билимга эга бўлиш, интеллектуал, ўз-ўзини бошқариш, коммуникативлик, талабчанлик, адолатли бошқарув компонентлари асосланган;

Янги Ўзбекистонда мафкура, маданият, фан ва диннинг ўзаро алоқадорликда ривожланиш тенденцияларига хос барқарор алоқадорлик, диний ва дунёвий қадриятлар ҳамоҳанглиги, миллийлик ва умуминсонийлик каби ижтимоий, билим ва салоҳият, танқидий таҳлил, миллий ўзликни англашга оид интеллектуал (ақлий) ҳамда импрессив, экспрессив, динамик стереотип, амбивалентлик, фидойилик туйғусига эмоционал (хиссий) таъсир кўрсатиш механизмлари очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформациясининг толерантлик, компромистик, демократик тенденциялари, объектив ва субъектив омиллари шарҳланган ҳамда уни илмий асосда бошқаришнинг институционал тизимини такомиллаштиришга оид назарий-методологик тавсиялар берилган;

маънавий-мафкуравий жараёнлар моҳияти дифференциал фалсафий ёндашув асосида туркумлаштирилган ва уларнинг миллий, минтақавий хусусиятлари очиб берилган;

маънавий-мафкуравий жараёнларни такомиллаштиришнинг назарий-методологик, ўқув-услугий, инновацион жиҳатларига доир мустақил таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган концептуал ғоялардан маънавий-мафкуравий жараёнларни ислоҳ қилиш жараёнида, трансформацион ўзгаришларни амалга оширадиган маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила марказлари, интеллектуал салоҳиятни ўстириш билан шуғулланувчи ёшлар ижоди марказлари, маънавий-маданий тарбия ўчоқлари ўзининг амалий, кундалик фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва турли ижтимоий институтларнинг маънавий ишларни амалга ошириш, “Ўзбекистонда 2022-2032 йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегияси”ни ишлаб чиқишга қаратилган ишларида қўлланилиши мумкинлиги, шунингдек олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўтиладиган назарий ва амалий машғулотлар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Янги Ўзбекистонда маънавий-мафкуравий ислохотлар трансформациясининг ижтимоий-фалсафий таҳлили асосида илгари сурилган илмий янгиликлардан:

маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформацияси борасида яратилган илмий-назарий, фалсафий таълимотларда берилган қонуниятларнинг маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, инсон ва жамият билан узвий боғлиқлиги ҳамда ижтимоий тараққиётга алоқадорлигига оид моҳиятини рационаллик, инсонпарварликка мослаштиришнинг ғоявий тарбия, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш маънавий юксалтириш механизмлари оид илмий хулосалардан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан ПЗ-20170915198 - “Қорақалпоқ

жамиятида ижтимоий муносабатлар трансформацияси: тарих ва амалиёт” мавзусидаги (2018-2020 йй.) лойиҳанинг асосий вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 21 октябрдаги 305/1-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар, ислоҳотларга дахлдорлик, маънавий ва маърифатини кенгайтишига хизмат қилган;

маънавий-мафкуравий жараёнларнинг барқарор тараққиёт мезонлари ва йўналишларини туркумлаштириш тамойилларининг жамият ҳаётига, кишилар онги ва фаолиятига детерминистик таъсир этиши натижасида ушбу инсон, унинг ҳаёти, қадри-қиммати, эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилганлик омиллари умумхалқ манфаатларининг ифодасига айланиши оид илмий таклиф ва тавсиялар Республика Маънавий ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот ва ташвиқот ишларида, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5040-сон қароридаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси”да кўрсатилган функцияларни амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавий ва маърифат марказининг 2021 йил 5 ноябрдаги 02/08/1367-сон маълумотномаси). Натижада, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилган;

маънавий-мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришдаги роли ва аҳамиятини ошириш инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик мезонлари, инсон капиталини ривожлантириш, имкониятларини ошириш, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантириш, юқори сифатли ҳаётни таъминлаш кўрсаткичлари ва глобал рақобатбардошлик, институционал ривожланиш, барқарор тараққиёт мақсадлари ва инсон камолоти индикаторларининг илмий асосланганлигига оид хулосалар ва тавсиявий характердаги натижалардан Барқарор ривожланиш марказининг фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш йўналишидаги фаолиятида, марказ томонидан нашр этилган “Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти” китобининг “Тинч ва барқарор Марказий Осиё – муҳим вазифа” номли биринчи бўлимини тайёрлашда, “Фуқаролик жамияти институтлари ва сайлов”, “Гендер тенгликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш” мавзусидаги халқаро давра суҳбатларини ташкил этиш, натижаларини тўплам сифатида нашрга тайёрлашда фойдаланилган (Барқарор ривожланиш марказининг 2021 йил 9 ноябрдаги 2-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида янги қиёфасини шакллантиришга, нашр этилган китоб ва тўпламларнинг мазмунан бойишига хизмат қилган;

маънавий ва мафкуравий жараёнларни структуравий-функционал уйғунлаштириш ҳамда жамиятнинг маънавий юксалиши ва мафкуравий

Ўзгаришлар тенденциясининг маънавий кадриятларни янгилаш, янги замон кадриятларини ишлаб чиқиш, жамиятни модернизациялашга оид ижтимоий, ғоявий ҳимоя, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик ўрнатишнинг ташкилий ва маънавий билимга эга бўлиш, интеллектуал, ўз-ўзини бошқариш, коммуникативлик, талабчанлик, адолатли бошқарув компонентларига оид илмий умумлашма ва таҳлиллардан Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан бажарилган “Жаҳон ва Ўзбекистон ижтимоий тафаккурини ривожини таҳлил қилиш натижасида Фалсафа қомуси”ни яратиш мавзусидаги ИФ 1-093 (2016-2020 йй.) ҳамда “Ўзбекистон фалсафа тарихининг 3 жилдини яратиш ва чоп этиш” мавзусидаги ПЗ-20170930386 рақамли амалий тадқиқот (2017-2019 йй.) лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг 2021 йил 10 ноябрдаги 31-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида чоп этилган “Жаҳон фалсафаси қомуси” ва “Ўзбекистон фалсафа тарихи” китобларининг мафкура, маънавият, миллий ғоя каби мақолалар, тушунча ва атамаларнинг мазмунан бойишига, фалсафий таҳлилин аналга оширишга хизмат қилган;

Янги Ўзбекистонда мафкура, маданият, фан ва диннинг ўзаро алоқадорликда ривожланиш тенденцияларига хос барқарор алоқадорлик, диний ва дунёвий кадриятлар ҳамоҳанглиги, миллийлик ва умуминсонийлик каби ижтимоий, билим ва салоҳият, танқидий таҳлил, миллий ўзликни англашга оид интеллектуал (ақлий) ҳамда импрессив, экспрессив, динамик стереотип, амбивалентлик, фидойилик туйғусига эмоционал (ҳиссий) таъсир кўрсатиш механизмларига оид илмий умумлашма ва таклифлардан Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг телекўрсатувларида жумладан, “Неделя”, “Diyor yangiliklari”, “Assalom, Buxoro!”, “Dastur doirasida”, “Zamondosh”, “Yoshlar vaqti”, “Xalq fikri”, “Dolzarb mavzu”, “Yosh bilimdon”, “Kun mavzusi” кўрсатувларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 18 октябрдаги 1/272-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида янги қиёфасини шакллантиришга, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқ онгига сингдириш, уларнинг инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 13 та илмий мақола (10 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, ўн икки параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 209 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг “**Маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформациясини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик масалалари**” деб номланган биринчи бобда маънавий-мафкуравий жараёнларга қиёсий таҳлил берилиб, унинг ўзига хос хусусиятлари, туркумлаштириш мезонлари ва тамойиллари ҳамда ҳозирги даврда трансформацияланишув ҳолатини ўрганиш методологияси тадқиқ этилган. Ушбу бобда маънавият, мафкура, маънавий-мафкуравий жараёнлар категорияларининг мазмун-моҳияти, илмий, методологик, эпистемологик, гносеологик ўзига хосликларини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш ҳамда маънавий-мафкуравий жараёнларнинг тараққиёт мезонлари ва тамойиллари аниқланган.

Диссертацияда “маънавий-мафкуравий жараёнлар” илмий тушунча сифатида маълум бир жамият ҳаётидаги мураккаб жараёнлар, тарихий жиҳатдан чекланган маданий ўзгаришларни ўзида акс эттириши қайд этилган. Айнан инсон ўз маънавияти ва ахлоқи билан бошқа мавжудотлардан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари, ҳар қандай инсон биринчи навбатда, маълум дастурлар тўпламидир. Индивидуал деб атайдиган нарса аслида, тананинг хужайралари ва органларининг табиатини, уларнинг функциялари ва бутун ҳаёт тарзини белгилайдиган тегишли генетик дастурлар ёрдамида маълум тарзда ташкил этилган биомассадир. Генетика дастурлари организм хатти-ҳаракатларининг асосий қонуниятларини аниқлашга хизмат қилади. Уларга маълум хулқ-атвор усулларининг ихтиро қилиниши натижасида вужудга келган маънавий-ахлоқий дастурлар қўшилади. Шундай қилиб, тирик мавжудотнинг пайдо бўлиши, сақланиши, ривожланишини нафақат табиий жараён сифатида балки, маънавий-ахлоқий меъёрлар трансформацияси сифатида тушуниш мумкин.

Тадқиқот ишида маънавият тушунчасини қуйидаги бир неча таъриф ва таснифлари келтирилган: Маънавият - 1) моддийликни акси; 2) маънавият бу ижодкорлик руҳини юксалиши; 3) маънавият бу инсоннинг ўзлигини англаш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Айни шу маънода қараганда, маънавиятнинг муҳим вазифаси – ижтимоий ҳаётнинг маълум бир шаклини ҳимоя қилиш ва кенгайтиришни таъминлашга қаратилганлиги алоҳида

таъкидланади. Маънавий-мафкуравий жараёнларнинг тизимли ташкил этилиши, такомиллашуви, мафкуравий иммунитет, масъулият, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш каби компетенциялари билан мустақил ҳаёт тарзини олиб боришлари маънавият концепциясига боғлиқдир. Ёшларнинг маънавий камол топиши соғлом ва барқарор муҳит, ҳаётда ўз ўрнини топишга, келажакка бўлган ишончнинг ортиши албатта, бу концепциянинг амалга оширилишига муҳтож бўлади. Маънавият концепцияси жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитнинг барқарор бўлишига салмоқли ҳисса қўшади. Маънавият концепцияси орқали кишилар нафақат ўзини ижтимоий мавжудотнинг энг юқори шакли сифатида тушунишга, балки жамиятнинг барча интеллектуал ресурслари ва интилишларини бўйсундиришга ҳаракат қилади. Диссертант инсон маънавияти бу абсолют қадриятларга йўналтирилган реал (бу ерда ва ҳозир) ва мумкин бўлган (ҳозир ва у ерда) мавжудлик орқали ҳозирги (асл ва тўлиқ) мавжудликнинг намоён бўлишидир, - деб қайд этади. Бундан келиб чиқиб, инсон маънавий ривожланиш асосини унинг ўз мавжудлигини чуқур англаш усули сифатида баҳолаш мумкин. Бир томондан, одам ўзини билим объектига айлантиради, бошқа томондан, у ҳаётдаги чегаравий вазиятларда қабул қилган қарорларда акс этади.

Диссертацияда маънавиятнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагича таснифланган: инсон моҳиятининг ўзига хос табиати (яхшилиқ ва ёмонлик ўртасидаги мувозанат), иррационал ва рационал (руҳ ва онг) ўртасидаги уйғунлик (мувозанат), ҳаётий ва маънавий моҳият (физиологик эҳтиёжлар ва субъектив руҳнинг “талаблари”ни мувозанатлаш), мутлақ қадриятларга интилишдир.

Диссертацияда маънавий жараёнлар трансформациясининг таҳлил этилиши натижасида бу жараён ҳаётий, диний, ахлоқий, эстетик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган мавжудлик ҳолатини акс эттириши, англаш ва ўзини шу ҳолатга бағишлаш истагида намоён бўлиши таъкидланади. Маънавий жараёнлар трансформацияси мураккаб маънавий-ахлоқий воқеликни, инсоннинг садоқатидан келиб чиқадиган асосий қадриятларни янгилашни ифода этади. Шунингдек, тадқиқот ишида маънавиятнинг уч тури таҳлил этилиб, биринчи турини индивидуал ва шахсий фазилатлар билан тавсифланадиган ақл-идроқка киритиш мумкинлиги қайд этилган. Ақл-идроқнинг индивидуал фазилатлари табиий муҳитга мослашувчан характерни, шахсий фазилатлар эса ақлни жамиятга, ақл ривожланишининг объектив шартларига, таълимга, ўзини тутишнинг юқори маданиятига мослаштиришни тавсифлаши келтирилган. Маънавиятнинг иккинчи тури ички фаоллик ва руҳий ҳолатларнинг интенсивлиги, шахс учун руҳий тарангликнинг доимий намоён бўлиши билан тавсифланади. Маънавий ҳолатларининг юксак ўсиш даврларини ва унинг қулаш даврларини ажратиш мумкинлиги диссертацияда келтирилган. Учинчи турдаги маънавият – психологик эркинлик билан тавсифланиши, бу субъектнинг табиат ва жамият ривожланиш қонуниятларини англаш асосида ўз хоҳиш-иродасини намоён этиш имкониятини англантишини диссертант қайд этаркан, психологик

эркинлик, субъект психикасининг ихтиёрий, ҳиссий ва хулқ-атворининг индивидуал ва умумлаштирилган хусусиятлари руҳий ҳолатнинг намоён бўлиш даражаси билан боғлиқлигини таҳлил этади.

Диссертацияда маънавий-мафкуравий жараёнларнинг асосида мафкура муҳим рол ўйнаши қайд этилиб, “мафкура” бир томондан, субъектив қарашларни, муайян гуруҳлар мақсадини, иқтисодий шарт-шароитларни ва ижтимоий муносабатларини акс эттирувчи назариялар ва қадриятлар тўпламини англатиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ҳукмрон мафкураларнинг мафкуравий қадриятлари янги ижтимоий тузилма ва соҳаларнинг ташкил топишини тақозо этади: масалан, аввалига мафкуравий таълимот яратилиб, қадриятлар ва билимлар асосида эски жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини янгилашга, шу орқали дунёвий характерга эга мафкуранинг янги тамаддунга айланиши далилланган. Шунингдек, ушбу бобда маънавий қадриятлар трансформацияси муаммосини ўрганиш ҳозирги замоннинг энг қийин ва долзарб муаммоларидан бири эканлиги, чунки маънавий изланишлар ва ўзини англаш усуллариининг янгиланиши иқтисодий ва сиёсий, миллий-маданий, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Диссертациянинг ушбу бобида миллий ғояни яхлит фалсафий категория сифатида баҳолаш анчагина мураккаб масала ҳисобланиши келтирилиб, у ўз мазмун-моҳиятига кўра бошқа дунёқараш конструкцияларидан алоҳида ажралиб туриши қайд этилади. Миллий ғоянинг ажралиб турадиган ўзига хос жиҳати унинг инсон қалби ва руҳиятига таъсир этиши билан белгиланади. Миллий ғоя – бу турли даражадаги жамиятнинг маънавий ва амалий ҳаёт тажрибаси, урф-одатлари ва қадриятларига асосланган, ўзликни англаш, бирлаштириш, сақлаш ва ривожлантириш йўналишида конструктив ғоялар, бадий образлар, рамзларни қайтадан жонлантириш ва ижодий янгилаш усулидир. Миллий ғоя – бу жамият аъзоларининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳаларидаги фаол ҳатти-ҳаракатларини чуқур англаш ҳолатидир.

Маънавий-мафкуравий ислоҳотларни амалга оширишда мамлакат раҳбарининг роли миллий манфаатлар инъикоси жараёни билан белгиланади. Миллий манфаатлар инъикоси шахс, айрим ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар ҳамда жамият манфаатлари мажмуидир. Уларни аниқ тушуниш ҳамда таърифлаш учун тегишли қоида, ғоя ва мафкура яратиш учун давлатни бошқариш амалиёти, халқаро муносабатларда қатнашиш тажрибаси бўлиши керак. “Ўзбекистон миллий манфаатлари ижтимоий ҳаётда политологияга янада катта ўрин берилишини, унинг мавқеини мустаҳкамлашни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида, жаҳон сиёсий харитасида Ўзбекистон давлатининг ўрни тобора мустаҳкамланиб боришини таъминлайди”<sup>6</sup>. Давлат раҳбари миллий манфаатларни ҳимоя қилибгина қолмай, уларга конкрет шакл бахш этади. Аниқ шаклда ифодаланган,

---

<sup>6</sup> Қодиров А. Миллий манфаатлар ва политология //Ўзбекистонда политология: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2001 йил 18 октябрь. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 40 – 41.

давлат ёрдамида шакллантирилган ҳамда асосланган миллий мафкура йўл-йўриқ ва хатти-ҳаракатнинг тегишли мезонларини ривожлантириш омили сифатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, амалиётга “айланиш” учун мафкуравий таъминланганлик зарурияти юзага келади. Миллий манфаат миллий ривожланишнинг стратегик эҳтиёжларини талқин қилиш жараёнида жамиятни бошқариш пирамидаси чўққисидан туриб англанилади. ““Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир”<sup>7</sup>.

Диссертацияда миллий ғоя – мафкуранинг туб мундарижаси юртни буюк мақсадлар сари чорловчи, сафарбар этувчи маёқ эканлиги қайд этилиб, ҳар бир даврнинг, халқнинг ўз камолот ғояларига эга бўлиши – қонуният эканлиги таъкидланади. Шу нуқтаи назардан миллий ғоя – миллатнинг уйғунлашув камолоти, комиллик ва маънавий-маърифий истиқбол сари интилишининг маънавий-руҳий, ахлоқий асоси, бош мақсад сари тактик йўл ҳамда стратегиядир. Миллий ғоя ва мафкура моҳиятан ноёб қадрият бўлиб, унинг юзага келиши ва шаклланишининг методологик асослари – ҳар бир тарихий давр ва тарихий шахс – етакчининг олий мақсади, олижаноб нияти, давлат ривожининг бош дастури ҳисобланади.

Диссертант жамият тараққиётининг янги босқичида миллий ғоянинг моҳияти, мазмуни ва унинг шакли, шиори, ўзига хос манзиллари ҳақида фикр юритиш долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ҳар бир халқ миллий ғоясининг вазифаси бирлаштирувчи, инсонга ижодий қувват берувчи шунингдек, албатта келажак сари тараққиёт тенденцияларини ифодалашда яққол намоён бўлишини қайд этади. Ҳар бир халқнинг ягона вазифаси инсониятнинг умумий цивилизациясини ривожлантиришда ўзига хос ижодий куч ва истеъдодини намоён этиши билан характерланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир миллат, ҳар бир этник гуруҳ бошқалар орасида алоҳида “организм” эмас, балки бутун инсоният “танаси”нинг ажралмас қисми сифатида фаолият олиб боради. Шу билан бирга диссертациянинг биринчи бобида маънавиятга материалистик, идеалистик, диний, эклектик, сиёсий-мафкуравий нуқтаи назардан ёндашувлар ҳам таҳлил этилиб, уларнинг қуйидаги хусусиятларга боғлиқ эканлиги очиқ берилган:

- дунёқараш ва эътиқод билан боғлиқлик;
- тадқиқот объекти, предмети ҳамда тўпланган материалларга боғлиқлик;
- объектив, изчил ва тизимли фикрлашга боғлиқлик;
- илмий тадқиқотнинг усул ва воситаларини қўллашдаги кўникмаларга боғлиқлик<sup>8</sup>.

Диссертант ҳозирги даврда маънавий-мафкуравий жараёнларни тадқиқ этишда ижтимоий-фалсафий ёндашувлар: анъанавий; метафизик; диалектик;

<sup>7</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. – Б.35

<sup>8</sup> Қаранг: Эркаев А. Маънавиятшунослик. Маънавият методологияси ва праксиологияси. 2-китоб. – Тошкент: “Маънавият”, 2018. – Б.3-13

синергетик; паргматик ёндашувларни таҳлил этаркан, куйидагича муносабатлар кузатилишини қайд этади:

- демократик муносабатлар маънавиятни – инсоннинг соғлом эҳтиёжларини қондириш, унинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш, камол топишига, эркин ва масъулиятли шахс бўлиб етишишига, ўз имкониятларини юзага чиқаришига, ташаббускор бўлишига хизмат қилади

- инсон манфаатларини давлат ёки маълум гуруҳ манфаатларига бўйсундириш, ҳукмрон мафкура ўрнатиш, турмуш тарзи, ўй-фикрларни бир қолипга солиш маънавиятга авторитар, тоталитар, ногуманистик мазмун касб этади.

Диссертациянинг биринчи боби бўйича биринчидан, миллий ғоянинг таъсир кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида ёшларнинг сиёсий билимдонлиги ва жамиятдаги ижтимоий фаоллигини ошириш; ташаббускорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

иккинчидан, маънавий кадриятлар инсон ҳаётининг мазмунини белгилаб бериши, инсонлараро муносабатлар ва шахсий кадрият тизимининг ривожланишидан келиб чиқиши; маънавий кадриятлар ҳаётнинг маъносини қидиришга бўлган интилишларда акс этиши;

учинчидан, маънавият субъектнинг ўз мотивациясини маданият билан ўлчаш ва таққослаш қобилиятини назарда тутиши; ҳамкорлик ва фидокорона, хайрихоҳликка кенг имкон бериши тўғрисида хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг **“Замонавий жамиятда маънавий-мафкуравий жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари”** деб номланган иккинчи бобида жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар – мафкуравий трансформациясининг муҳим омили эканлиги қиёсий ўрганилиб, маънавий ва мафкуравий жараёнларни структуравий-функционал уйғунлаштириш вазифалари ҳамда маънавий юксалиш ва мафкуравий ўзгаришларни ижтимоийлашув тенденцияси, анъанавийлик ва замонавийлик диалектикасини конструктив-рационал баҳолаш тамойиллари илмий асосланган. Ушбу бобда барқарор тараққиётда маънавий-мафкуравий ислохотларни амалга оширишда инсон ва умуммиллий, умумхалқ манфаатларининг уйғунлашув қонуниятлари, шахс мафкуравий иммунитетини юксалтириш омиллари очиб берилган.

Диссертациянинг ушбу бобида маънавият маданий тараққиётнинг туб моҳиятини ифода этиши асосланиб, бу жараённинг семантик хусусиятлари тадқиқ этилган. Маданий генотипнинг прототиби, проекцияси инсонга хос эканлиги, уни такомиллаштириш ижодий фаолиятда намоён бўлиши, ижодкорлик орқали амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланган. XIX асрда маънавий-мафкуравий жараёнларга танқидий муносабат тобора кучайиб борди. Мафкурага ижтимоий воқеликнинг сохта кўриниши сифатида ёндашув шаклланди ва у шу муносабатга оид ижтимоий фаолият сифатида талқин қилинди. Ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихида ўз ўрнига эга бўлган назариётчилар К. Мангейм, К. Поппер, М. Фуко, Р. Барт, Л. Альтюссер ва бошқалар мафкурага нисбатан ўзига хос таълимотлар ярата олдилар. Ўзбек миллий фалсафа тарихида мафкура назарияси масалалари

фақат XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларига келиб холис ва батафсил кўриб чиқила бошланди.

Диссертант маънавий-мафкуравий жараёнлар трансформациясида ҳамда уни моделлаштиришда таҳлил этилган концепцияларни муайян даражада умумлаштириб, бу жараённи тадқиқ этишнинг асосий масалалари сифатида:

- мафкуранинг табиати ва моҳияти;
- мафкуранинг ижтимоий вазифалари;
- мафкуранинг тарихий аҳамияти, замонавий йўналишлари ва шакллари қайд этади.

Диссертацияда К. Мангеймнинг “Мафкура ва хаёлпарастлик” (“Идеология и утопия”) асарида мафкура муаммосини субъект-объект муносабатлари нуқтаи назаридан, объектив мавжудликнинг асоси сифатидаги субъектга таянган ҳолда мафкуравий ҳодиса асосларини шакллантириши таҳлил этилган. “Ҳар қандай мафкура мавжуд тузумнинг инъикоси бўлиб, ҳукмронлик мавқеини мавқеини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган синфнинг қарашларини ифодалайди”<sup>9</sup>. Л. Альтюссернинг мафкуравий жараёнларнинг шаклланиши тўғрисидаги ғоялари XX асрнинг 70-йиллардаги Ғарбий Европа фалсафасига сезиларли таъсир кўрсатди. Ижтимоий формация иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий амалиётни ўз ичига олди. Ижтимоий формация Л. Альтюссернинг фикрига кўра “ҳукмрон тузилма” – жамият мавжудлигининг аниқ тарихий босқичидаги ҳукмронлик хусусияти билан белгиланади<sup>10</sup>. Шунингдек, ушбу бобда маданият инқирози ва уни бартараф этиш концепцияси муаллифи Х. Ортега-Гассетнинг мафкурага ижтимоий ҳокимиятнинг алоҳида шакли сифатида юзага чиқиш, жамият олдида истиқболни очиб бериш, узоқ вақт давомида унинг яратувчанлик имкониятларини рўёбга чиқариш омили сифатида қараши таъкидланади<sup>11</sup>.

Диссертант маънавий ва мафкуравий жараёнлар ходисасининг моҳиятини англашдаги кескин фарқлар сабабчиси XX асрнинг биринчи ярмида структуравий-функционалистлар оқимининг вужудга келиши эканлигини қайд этаркан, мафкура:

- институционаллашган кадрятларнинг барқарорлигини ҳимоя қилиш (Т. Парсонс);
- муайян маданий қолиплар асосида тартибга солинмаган ижтимоий ҳаракатларни шаклга солиш ва стереотиплаш (К. Гирц);
- ижтимоий амалиётининг тузилиши (Л. Альтюссер, П. Бурдьё);
- сафарбар қилиш, бошқарув, бирлаштириш, муҳофаза қилиш (А. Гоулднер);
- ҳокимиятга нисбатан ижтимоий фаоллик, фуқаролик садоқатини сақлаш (Г. Маркузе, Т. Адорно, К. Ленк) вазифаларини бажаради, - деб таъкидлайди.

Мафкура ижтимоий воқелик қиёфасини акс эттириш сифатида:

<sup>9</sup> Мангейм К. Идеология и утопия / Мангейм К. Диагноз нашего времени. – М.: Юрист, 1994. – С.226

<sup>10</sup> Альтюссер Л. Об искусстве. - М.: V-A-C press, Artguide editions, 2019. – С.84.

<sup>11</sup> Ортега-и-Гассет Х. Что такое философия. – М.: Директ-Медиа, 2009. – С. 131

- маълум манфаатларни ифодаловчи ғоялар мажмуи;
- сиёсий бошқарув мафкуралари сифатида либерализм, консерватизм, социализм, анархизм, феминизм, экологизм, диний фундаментализм ва ҳ.к.;
- ижтимоий-иқтисодий аҳволни акс эттирувчи ғоялар мажмуи;
- муайян ижтимоий синфнинг сохта қарашлари сифатидаги ёндашув;
- ижтимоий амалиётнинг муайян турига хизмат кўрсатувчи ва воқелигини ифодаловчи ғоялар тизимидир.

Диссертацияда замонавий жамиятдаги мафкура функциясини тадқиқ этиш унинг шахсий ва жамоавий фаолиятни бирлаштирган ҳолда амалга оширилиши таъкидланган. “Мафкуралаштиришдан холи бўлиш” концепцияси тарафдорлари (Э. Гидденс, С. Хантингтон, С. Липсет) жамиятнинг мафкуравий қарашлардан холи бўлиш жараёнини илмий билимларнинг ўсишга олиб келиши ҳамда синфий зиддиятларнинг кескин камайиши билан боғлайдилар. Бошқа томондан эса бир қатор тадқиқотчилар аксинча, мафкуранинг замонавий жамиятга таъсири сусайиб бораётганлигини маданият томонидан олиб кирилаётган ҳиссий иррационал тасвирлар аҳамиятини ўсиши билан изоҳлайдилар. Маънавиятнинг динамик модели мазмуни маънавий соҳанинг функционал мазмунига боғлиқ. Ушбу функционал хусусиятлар, даражаларнинг мазмуни ва элементлари қуйидагилар билан белгиланади:

биринчидан, маънавиятнинг ижтимоийлашув функцияси демократик ислохотлар жараёнида устувор аҳамият касб этади. Маълум бир шахснинг ўзи яшаётган жамиятдаги муваффақияти инсон маънавий соҳасининг ривожланиш даражасига боғлиқ. У мобил мувозанатни, бу тизимнинг ўзгарувчанлигини таъминлайди. Бу жамиятни ижтимоий-маданий ташкилот сифатида ўзгартиришга имкон беради;

иккинчидан, мафкура ўз категориал аппарати ёрдамида ҳақиқатни билвосита акс эттиради. Ҳаммаси унинг ўзига хос мазмунига, ижтимоий-тарихий контекстга ва одамлар онига сингдириш усулларига боғлиқ. Бу эса мафкура маънавиятнинг услубий тамойили сифатида намоён бўлишини аниқлатади;

учинчидан, маънавият ҳар доим инсоннинг ўзини ўзи англаш принципи, ўз шахсияти ва энг олий кадриятларига қараб интилиши сифатида талқин қилинади. Потенциал маънавият – бу ўзига хос тасвир – идеал эмас, аниқ идрок қилинган, ички ривожланиш жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳақиқий кучдир.

Диссертант маънавият ривожланиш ҳаракатининг вектор-ўтказувчиси вазифасини бажаришини қайд этаркан, инсон салоҳиятини ривожлантириш, билиш инсон маънавий маконининг динамик компонентида, - дея хулоса чиқаради. Бу жараёнда маънавият одамлар томонидан авлоддан-авлодга узатиладиган, ўз ҳаётий тажрибасини ўзлаштирган ва янги билимларни эгаллаган, билим тузилмалари, тоифалари, тушунчалари, белгиларининг тарихий ҳаракати бўлиб намоён бўлади.

Шунингдек, бугунги жамиятда мафкуранинг роли бир маънода баҳоланмаётганлигини, вақт-вақти билан “мафкурадан холи бўлиш”

тўғрисида саноатлашган жамиятдан кейин ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига ўтиш даврини хусусиятловчи жараён сифатидаги тасаввурлар тарқалаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Аммо, сўнгги ўн йиллардаги ижтимоий амалиёт бундай фикрлар ҳақиқат эканлигини рад этмоқда. Аксинча мафкура бугунги ҳаётга, кундалик турмушга, ижтимоий кадриятларга ва кишиларнинг ҳаёт йўлига кундан-кунга кучли таъсир ўтказмоқда. Диссертацияда жамият тараққиётида инсон қадрли улуғвор мақсадга айланса, комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий-маънавий муҳит яратиш имконияти пайдо бўлиши таъкидланади. Шу боисдан ҳам миллий ғоянинг ҳар бир фуқаронинг ўз билим ва тажрибаларидан тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашда, ўз фаолиятини самарали амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс ҳисобланади.

Тадқиқот ишида Ўзбекистонда маънавий-мафкуравий ислохотлар трансформациясининг қуйидаги негизлари асосланган:

- маънавий янгиланишнинг имконият ва истиқболлари;
- янги маънавий маконни яратишнинг устувор йўналишлари;
- маърифий жамият барпо этиш борасидаги ислохотлар зарурияти;
- инсон капиталини рўёбга чиқариш ва баркамол шахс тарбияси;
- миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги.

Диссертацияда шахснинг жисмоний ривожланиши морфологик, биокимёвий ва физиологик ўзгаришларни ўз ичига олган биологик хусусиятларга боғлиқлиги, ижтимоий ривожланиши психологик, ақлий, интеллектуал ривожланиш билан боғлиқлиги тавсифланган. Шахс маънавий-ахлоқий тарбияси тизимида ахлоқий идеалга интилиш – бу ўсмирларни тарбиялашнинг олтин қоидаларидан бири эканлиги қайд этилади. Инсоният умумий маънавий-ахлоқий пойдевор яратиш зарурлигини англаши учун, маънавий эҳтиёжларни қондириш ижтимоий мақсад бўлиши керак.

Тадқиқот ишининг ушбу боби бўйича маънавий кадриятлар трансформацияси ва миллий ғояни ривожлантиришда қуйидаги мезонларнинг ҳисобга олиниши муҳимлиги тўғрисида хулосалар чиқарилган:

- ёшларнинг сиёсий билимдонлиги ва жамиятдаги ижтимоий фаоллигини ошириш;
- жамиятни маънавий соғломлаштиришда бевосита ёшларнинг фаоллигини ошириш;
- инновацион тараққиётга эришишда ёшлар ташаббускорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- ёшларнинг масъулиятли, эътиқодли, иймонли бўлишларида таълим-тарбия тизимида узлуксиз ислохотлар олиб бориш.

Маънавият инсонни ўз ҳаётининг мақсадларини амалга оширишда оқилона йўл тутишига ёрдам берадиган феномен ҳисобланади. Маънавият мазмуни ҳар доим тарихий характерга эга бўлиб, кишининг фалсафа, фан, санъат, дин каби соҳаларни ўзлаштириш даражасида яққол намоён бўлади. Маънавиятнинг ядросини ахлоқий кадриятлар ташкил этади.

Диссертациянинг “**Глобаллашув шаротида маънавий ва мафкуравий жараёнлар янгиланишининг жамият барқарорлигини таъминлашдаги**

“Ўрни ва аҳамияти” деб номланган учинчи бобида глобал ўзгаришлар шаротида жамиятнинг маънавий-мафкуравий тараққиёт йўли ва унинг ўзига хослиги, жамият барқарорлигини таъминлашнинг маънавий-мафкуравий ва ижтимоий-фалсафий жиҳатлари қиёсий тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу бобда жамиятнинг маънавий-мафкуравий соҳадаги тараққиёт йўли, уни интеграциялаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларни структуравий-функционал уйғунлаштириш вазифалари амалга оширилган ҳамда жамият барқарорлигини таъминлашнинг маънавий-мафкуравий ва ижтимоий омилларини амалга ошириш усуллари ва механизмлари очиб берилган.

Глобаллашув жараёни ҳозирги даврнинг устувор хусусияти сифатида иқтисодий, халқаро савдо муносабатлари доирасидан чиқиб, ахборот тизимини ҳам қамраб олди. Эндиликда бу жараён маънавият, мафкура, қадрият соҳаларига ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Глобал муаммоларнинг кескинлашуви инсон тафаккурини янги босқичга, ижтимоий ва табиий ҳодисаларни англаб етишнинг анъанавий стереотипларини ўзгартирадиган янги илмий парадигмага ўтиш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Диссертант глобаллашув жараёнини илмий таҳлил этар экан, инсоннинг дунёдаги мавқеи, XX аср охири XXI аср биринчи чорагида амалга оширилган табиий илмий кашфиётлар, маънавий-мафкуравий инқироз инсониятнинг бутун стратегиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этишини қайд этади. Шахс маънавияти инсониятнинг кейинги ривожланиши учун энг самарали манбага айланишида маънавият ҳодисасининг моҳияти ва хусусиятларини замонавий илмий позициялардан қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Глобал тафаккур тарзи барқарор ижтимоий-табиий ривожланиш концепциясини яратиш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик тараққиётни уйғунлаштириш ғоясини амалга оширишда муҳим омилдир. Дунёнинг умумилмий манзарасини, шахс ҳақидаги яхлит билимларни, маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳақидаги ғояларни шакллантириш табиат ва ахлоқ ҳақидаги фанларнинг синтезига асосланган бўлиши керак. Интеграцияланган билимлар эзгу мақсадни белгилаб олишга, унга эришишда бажариладиган вазифаларни аниқлашга имкон беради. Глобаллашув шароитида жамиятнинг маънавий-мафкуравий тараққиёт йўли ва жаҳоннинг бугунги кундаги мафкуравий манзарасини таҳлил қилишда маънавият ва мафкура ўз таъсир доирасини сақлаб туриши, яшаб қолиши ва янада кенгроқ тарқалиши учун мудом кураш олиб бориши лозим. Бинобарин, буларнинг барчаси инсон онги, унинг қалби ва руҳига йўл излайди.

Диссертацияда ҳозирги шароитда халқаро муносабатларни барқарорлаштиришнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланган маънавий-ахлоқий, ғоявий-мафкуравий тараққиётни таъминлаш масалалари тобора кучайиб бораётганлиги таъкидланади.

Тадқиқотда маънавий-ахлоқий тараққиётнинг барқарор тараққиёт билан боғлиқ қуйидаги жиҳатлари очиб берилган:

1. “Маънавий-ахлоқий тараққиёт” тушунчаси фақат миқдорий ўсишни эмас, балки инсон ҳаётининг барча соҳаларида сифат ўзгаришларини ҳам

англатади. Барқарор тараққиёт – табиий муҳитни вайрон қилмайдиган ва тамаддуннинг аниқ, узоқ муддат яшаши ва хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий бошқариладиган тараққиётдир.

2. Барқарор тараққиёт барча мамлакатларнинг биргаликдаги ривожланиш уйғунлигидан иборат. Бутун ер куррасида маънавий-ахлоқий беқарорлик бўлиб турганда барқарор ривожланиш тўғрисида фикр юритиш ҳақиқатдан йироқдир.

3. Барқарор тараққиёт тамойили ижтимоий, иқтисодий ва экологик ривожланишнинг узлуксиз бирлигини кўзда тутди. Маънавий-ахлоқий тараққиёт эса ижтимоий жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келувчи миқдорий ўсишни намоён этадиган иқтисодий тараққиёт билан белгиланмайди.

4. Ижтимоий соҳадаги барқарор тараққиёт жаҳонда бойликларнинг тенг тақсимланишига эришиш, кишиларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва шу каби асосий эҳтиёжларини тўла қондиришни кўзда тутди. Маънавий-ахлоқий тараққиётга эришишнинг энг муҳим шарти кишининг маънавий жиҳатдан “қайта туғилиши”, келажакда ақлий ва маънавий етук, моддий тобелик менталитетидан қутилган, инсоний қадриятларнинг янги тизимига таянувчи авлоднинг пайдо бўлишидир.

5. Ҳозирги даврда жаҳон ҳамжамиятининг барқарор тараққиёт йўлига ўтиш масаласи тобора ўсиб бораётган глобаллашув жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Агар асосий мақсад барқарор тараққиётни вужудга келтириш бўлса, унга эришишда глобаллашув жараёнининг ижобий томонлари восита сифатида хизмат қилмоғи зарур. Глобаллашув жараёнида учраётган бузғунчи унсурлар жаҳон тараққиётида беқарорликнинг устувор бўлишига олиб келмоқда. Шу боис, маънавий-ахлоқий тараққиётни таъминлашдаги долзарб вазифа бузғунчи ғояларга маърифат билан қарши курашиш ва эзгулик, гуманизм ва одамийлик ғояларини яратувчи омилларни кўпайтиришдан иборат.

6. Барқарор тараққиёт ғояси бутун инсониятнинг маънавий бойлиги ҳар бир халқнинг тили, маданияти, анъана ва эътиқодини асраб-авайлаш ҳамда сақлаб қолишни кўзда тутди.

Диссертацияда маънавий-ахлоқий тараққиётни таъминлашда маънавий фаолият муҳимлиги қайд этилган. Ахлоқий такомиллаштириш, гўзаллик туйғусини қондириш атрофимиздаги дунёни билиш зарурати билан боғлиқ. Маънавий ҳаёт – бу жамият ҳаётининг ажралмас хусусияти, шунинг учун уни ижтимоий мавжудот сифатида шахсдан ажратиб бўлмайди ва унинг ривожланиш даражаси маълум бир тарихий цивилизация ютуқларини кўрсатади. Диссертант маънавият шахснинг маданий ва ахлоқий мероси сифатида таълим ва тарбия тизими билан шаклланишини қайд этиб, таълим жараёнида ёш авлодни маънавий қадриятлар: фан, маданият, адабиёт ва санъатнинг миллий ва инсоний ютуқларини эгаллаши зарурлигини таъкидлайди. Ёшлар маънавиятини шакллантириш жараёни мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, уни амалга ошириш қуйидаги омилларни ҳисобга олишни тақозо этади:

1. Тарбия жараёнининг ўзи, аввало, ёшларда миллий ғурур ва миллий ўзига хосликни тарбиялашга имкон берадиган буюк аждодлар маънавий меросига асосланган бўлиши керак.

2. Ёшларда миллий урф-одат ва анъаналарга, халқнинг турмуш тарзи, тили, санъати, ҳунармандчилигига оқилона муносабатни тарбиялаш – баркамол инсонни тарбиялаш воситаларидир.

3. Тарбия жараёни миллий мафқураининг асосий ғоялари ва тамойилларига асосланса, ёшларнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик каби инсоний фазилатлар руҳида тарбияланиши осон кечади.

Диссертант бугун дунёнинг зиддиятли глобаллашуви, янги мафқуравий хавф ва таҳдидлар кўламининг кенгайиб бориши ҳамда мамлакатда кечаётган янгилашни жараёнлари миллий ғояни замон талабларига мос равишда ривожлантиришни тақозо этаётганлигини асослаб берган.

Диссертацияда глобал инқирозлар шароитида маърифий жамият барпо этишнинг методологик муаммолари таҳлил этилар экан, индивидуал жамиятнинг шаклланиши, унинг салбий томони – фуқаролик ғоясининг инқирози ва аста-секин парчаланиши билан боғлиқлиги қайд этилган. Глобаллашув инсон ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олиши натижасида, баъзи инсонлар маънавият масалалари билан шуғулланишни тўхтатди ва ўз ҳаётининг маъноси ва мақсадини фақат моддий текисликда кўра бошлади. Моддийлик маънавиятни аста-секинлик билан йўқ қилмоқда. Бу ҳолат инглиз файласуфи Френсис Бекон томонидан қуйидагича асослаган эди: “Кўпчилик одамлар ҳамма нарсани бойлиги учун сотиб оламан деб ўйлаб, бу билан улар биринчи навбатда ўзларини сотади”<sup>12</sup>.

Диссертацияда глобаллашув шароити маънавий-мафқуравий жараёнларнинг маърифий тамойиллар билан уйғунлик белгилари, ўзига хос хусусияларини таҳлил этиш зарурлигини талаб этаётганлиги таъкидланади. Мафқуравий тазйиқлар кучайган ва ахлоқий деградация шароитида билимли одам ўзлигини сақлаб қолишга қодир. Маънавият вакцинасини ҳар бир халқ мустақил равишда яратади. ХХI асрда инсоният тарихи ва тақдирида маданият, маънавият ва маърифат муаммоларига асосий эътибор берилиши, таълим ва маърифат инсониятни буюк келажак томон тараққиёт йўлини белгилаши, жаҳолат ва залолатдан, терроризм ва экстремизм офатларидан омон қолишнинг ягона йўли сифатида баҳо берилмоқда. Маънавий-мафқуравий ислохотларни демократик тамойиллар билан уйғун ҳолда олиб бориш, миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигига эришиш, инсон қадрини устуворлигини таъминлаш маърифий жамият омиллари сифатида қайд этилади. Маърифий жамият барпо этиш юксак маънавий дунёқараш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тинчликка интилиш орқали ҳаёт тарзини юритиш сиёсатини талаб этади.

Диссертацияда маърифий баркамолликка эришишнинг уч – билим, меҳнат ва ақл омиллари ўзаро уйғун бўлгандагина самарали натижага

<sup>12</sup> Бэкон Ф. / А. Л. Субботин // Новая философская энциклопедия : в 4 т. / пред. науч.-ред. совета В. С. Стёпин. — 2-е изд., испр. и доп. — М. : Мысль, 2010. — С.1314.

эришиш мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарилган. Янги Ўзбекистонда маърифий жамият барпо этишнинг уч босқич:

биринчи, давлатнинг ҳуқуқий асослари тамомила янгиланганлиги, яъни, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилганлиги;

иккинчи, ташкилий таркибий тузилмаларини шакллантирилганлиги ва янги сифат босқичига кўтарилганлиги;

учинчи, маърифатли жамият таянчи бўлган маънавий-мафкуравий ислохотларнинг амалга оширилиши билан белгиланади.

Маърифий жамиятнинг инсон манфаатларига хизмат қилиш; саломатлик ва таълим-тарбияни такомиллаштириш; дўстлик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик – кафолатли тинчлик калитига доир илмий таҳлиллар амалга оширилган. Билим, касб-ҳунарни эгаллашга интилиш маънавий-мафкуравий ислохотлар трансформациясига сабаб бўлмоқда. Янги Ўзбекистонда барпо этилаётган маърифий жамият юксак интеллектуал, маънавий ва индустриал жиҳатдан юксакликка олиб чиқиши ҳамда ҳар бир фуқарони бахтли, саодатли қилиши, шубҳасиздир.

Тадқиқот ишининг ушбу боби бўйича амалга оширилган таҳлиллар қуйидаги натижаларга олиб келган:

биринчидан, маънавият – бу инсоннинг барча ҳаётий фаолиятини белгилайдиган ва сингдирадиган, унинг устидан ҳокимиятга эга бўлган идеал кадриятлар соҳасидир. Табиатан у нафақат ижтимоий воқеликни акс эттириши, балки ўз ички дунёсини яратишга қодир бўлган ўзини ўзи англаш маҳсулидир, маънавият ривожини жамият аъзоларининг онгли ҳамкорлиги орқалигина таъминланади, бунда диалектиканинг умуминсоний қонунлари устувор аҳамият касб этади.

иккинчидан, глобаллашув тенденциялари инсоннинг кўп қиррали бўлишининг чегараланишига олиб келади. Инсон ўлчами ўзгариб бораётганлиги сабабли яқин вақтларгача амалда ўзгармасдек туюлган бутун кадриятлар тизими тубдан қайта кўриб чиқилмоқда.

Диссертациянинг **“Янги Ўзбекистонда демократия, маънавият ва мафкура интеграциясини оптималлаштириш имкониятлари”** деб номланган тўртинчи бобида демократик ислохотларни маънавий-мафкуравий жараёнлардаги инъикоси, миллий ўзликни англаш – маънавий-мафкуравий ва ижтимоий-маданий ривожланиш омили эканлиги ҳамда Янги Ўзбекистон стратегияси – маънавий-мафкуравий ислохотлар асоси билан боғлиқ масалаларнинг ташкилий механизмлари тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу бобда мамлакат барқарорлигини мустаҳкамлашнинг маънавий-мафкуравий йўналишларини ривожлантириш ва унинг миллий тараққиёт дастурларини амалга оширишдаги роли очиб берилган.

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бўлган бирон-бир жамиятнинг узокқа бора олмаслигини яққол кўрсатди. Шу боис тараққиёт стратегиясини мувафаққиятли амалга оширилиши туфайли мамлакат ўз олдига эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўяди.

Диссертацияда янгилашиш жараёни – янги Ўзбекистонни бунёд этишининг Президент Шавкат Мирзиёев томонидан асослаб берилаётган умумий қонуниятлари, ғоявий омиллари ва мафкуравий тамойилларининг ўзгариб бораётган замонга мос жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш қайд этилган. Янги Ўзбекистонда демократик ислохотлар жараёни миллий ўзликни англаш, халқларнинг ижтимоий ҳаёт асосларини мустақил ташкил этишга бўлган интилиши билан бирга кечмоқда. Сўнгги ўн йилликларда олимлар ёш авлодни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда.

Тадқиқот ишида маънавий тамойилларга илмий ёндашишнинг тўрт асосий мезони келтирилади: инсонпарварлик, миллийлик, ватанпарварлик ва илғорлик<sup>13</sup>. Бу тамойиллар умуминсоний характерга эга бўлиб, улар ижодий изланишлар ва тажрибаларга, янги тенденцияларни шаклланишига олиб келади. Маънавий қадриятлар мақсадли, ижодий, интеллектуал фаолият натижасидир. Халқ маърифати бинобарин, таълим сифатини яхшилаш сиёсати, ёшларга интеллектуал тарбия бериш, янги турдаги ақл-заковатни шакллантириш ва атрофдаги дунёнинг тез ўзгарувчан воқеликларига мослаштирилган фикрлаш услубини юксалтириш билан боғлиқ.

Инсоният тарихида маънавий ривожланиш даражаси юқори бўлган ва ёш авлод тарбияси муҳим ўрин тутган жамият тез суръатлар билан ривожланиб бораётганини тасдиқловчи кўплаб мисоллар мавжуд. Тарбиянинг ахлоқий асосларни шакллантириш, ёш авлодда маданият ва санъатга қизиқишни орттириш, маънавий салоҳиятини ривожлантириш таълим ва маданият соҳасига онгли муносабатни жорий қилиш орқали амалга ошади. Диссертант ёшлар дунёқарашининг қадриятли асосларини шакллантиришда давлат сиёсати қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олишини таъкидлайди: ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар, фуқаролик, ватанпарварлик, ўзини ривожлантиришга йўналтириш, бағрикенглик, экологик саводхонлик.

Диссертацияда маънавият, аслида, қандай кураш ва қандай ҳужумдан ҳимоя этади, деган савол қўйилади. Бинобарин, қайсидир миллатнинг маънавияти ҳимоя воситаси бўлишга қодир экан, демак, соф маънода тенг вазнлар ва муайян қоидаларга бўйсунадиган курашда ҳимоякор маънавият бошқа бир ҳужумкор маънавият билан тўқнаш келиши аниқ. Тиббиётда ёмон ўсимта деб аталадиган саратон касаллигидан олдин бир ўсма пайдо бўлар экан. Кейин унинг атрофида бир қанча майда ўсмалар вужудга келиб, танани қуритар экан. Бундай ўсмалар мажмуи тиббиётда метастаза деб аталади. Тиббиётда танадаги ҳимоя тизими – иммунитет бўшашгандагина унда ёмон ўсма ва метастазалар пайдо бўлиши аниқланган. Айни ҳодисани жамиятга татбиқ қилиш ҳам мумкин. Маълумки, жамиятнинг ҳимоя тизими – бу унинг маънавиятидир<sup>14</sup>. Глобал миқёсдаги замонавий муаммолар инсон фактори

<sup>13</sup> Эркаев А. Маънавиятшунослик. Маънавият методологияси ва праксиологияси. 2-китоб. –Т.: “Маънавият”. 2018. –Б. 108.

<sup>14</sup> Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. –Т.: Шарк, 2000. – Б.82.

асосида келиб чиқади. Бу муаммоларнинг бутун мажмуасига ечим излаш инсон ва жамиятнинг маънавий юксалиш йўли билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳаммага аён.

Диссертацияда миллий ўзликни англашнинг маънавий-мафкуравий ва ижтимоий-маданий ривожланиш омили сифатида роли тадқиқ этилган. Миллий ғоянинг метафизик моҳияти муайян халқ ёки миллат вакилини ўз тарихи, дини, маданиятига бўлган муносабатини белгилайди. Дарҳақиқат, муайян миллатнинг ўзликни англаш қобилияти ва ижтимоий-маданий фаолияти у тарбиялаган ёшлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Миллий ғоя – ижтимоий-фалсафий ёки ижтимоий-сиёсий матнлар, бадий асарлар шаклида тақдим этиладиган миллий ўзликни англашнинг тизимли умумлашмаси ҳисобланади. Миллий ғоянинг моҳияти – бу миллат-этносни мавжуд бўлишини англатади. Миллий ғояни ижтимоий-фалсафий ҳодиса сифатида тадқиқ этишда, унинг глобаллашув ва цивилизациялар тўқнашуви шароитида миллат ва халқнинг онгли фаолиятини ягона мақсад сари бирлаштириш вазифаси муҳим ҳисобланади.

Диссертацияда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси - маънавий-мафкуравий ислохотларнинг назарий-методологик асоси сифатида таҳлил этилган. Янгиланаётган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти оқимида ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий янгиланишлар дастурини ишлаб чиққан мамлакат сифатида ўзига хос ва ўзига мос мавқе эгаллаб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” – мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс пойдевори” ғоясини амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш ҳамда миллий ғояни ривожлантириш омили эканлигидан далолат беради. Бу жиҳатдан, ҳозирги даврда кенг тарқалаётган ва аҳоли онгига сингиб бораётган “инсон қадри” деган концептуал тамойилни амалга оширишга қаратилган ислохотлар таҳлили муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Тадқиқот ишида Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида стратегик ривожланиш билан боғлиқ йўналишлар қуйидагича этиб белгиланган:

- эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри устуворлигини таъминлаш;

- адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш;

- миллий иқтисодиётни ривожлантириш;

- адолатли ижтимоий сиёсат юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш;

- маънавий ва маърифий соҳаларда ислохотларни амалга ошириш;

- глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш;

- тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Диссертант маънавий ҳаётни янгилаш, мафкуравий тамойилларни аниқлашнинг асосий тамойиллари ва мезонларини қуйидагилардан иборат деб ҳисоблайди:

биринчидан, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнининг дастуриламали бўлган тараққиёт стратегиясини тўлиқ амалга ошириш жамият аъзоларининг ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади;

иккинчидан, мамлакатда ислоҳотлар ва янгиланишларнинг кенг қўламда олиб борилиши, рақобатбардош ва очиқ прагматик маконни яратиш, барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг ривожланишни таъминлаш каби парадигмаларга асосланадиган Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ғояси миллатни жипслаштиради;

учинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон, унинг қадри, эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилгани, уларнинг асл қадриятга айланаётгани ўзгаришлар ҳамда янгиланишларнинг туб моҳиятини ифодалайди;

тўртинчидан, Ўзбекистонни қудратли ва салоҳиятли давлатга айлантириш, замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, бутун мамлакат бўйлаб турмушнинг юқори даражасини таъминлаш, инсон капитали юқори бўлган рақобатбардош демократик давлатлар қаторига киришини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда;

бешинчидан, Янги Ўзбекистонни барпо этадиган ёшлар, юқори фуқаролик масъулияти ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол авлодни тарбияланаётганлиги, инновацион таълим ва умуминсоний тамойилларга асосланадиган янги маънавий макон, маърифатли жамият концепцияси ва миллий тарбия муҳити яратилмоқда.

Маънавий-мафкуравий ислоҳотларнинг методологик базиси сифатида Янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётини таъминлашга қаратилган тараққиёт стратегиясининг умуминсоний: тарихийлик; замонавийлик; тизимлилик; узлуксизлик; умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги; бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари муҳим аҳамиятга эга. Жамиятда вужудга келадиган ҳар бир муҳим воқелик, стратегик аҳамият касб этадиган феноменал ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини ва улар билан боғлиқ мақсадларни ўз вақтида англаш ҳамда фаолият олиб бориш зарурияти ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан муҳим қонуниятдир.

XXI асрнинг энг катта фожиаси – бу инсониятнинг асл башарий қадриятларидан узоқлашишидир. Инсон қадри устувор жамиятгина маънавий баркамолликка эришади. Инсонни камолотга элтувчи асос ҳам қадриятдир. Янги Ўзбекистон стратегиясида ушбу қадрият меҳр, инсонпарварлик ва эзгулик сифатида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг ушбу боби бўйича амалга оширилган таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилган:

биринчидан, миллий ўзликни англаш ва мустаҳкамлаш жараёнларига турли ёт ғояларнинг салбий таъсири ортиб, одамларнинг онги ва қалби учун кураш кучайиб бораётган бугунги кунда маънавий-мафкуравий ислоҳотлар

Янги Ўзбекистондаги янгиланиш суръатлари ва кенг қамровли ислохотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

иккинчидан, миллий ғояни ривожлантириш мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини англаш орқали терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, миссионерлик, сепаратизм, одам савдоси, наркобизнес каби турли трансчегаравий таҳдидларга қарши курашиш имкониятини яратади.

“Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин, таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла кўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”<sup>15</sup>.

## ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинган:

1. Маънавий-мафкуравий жараён – жамият ҳаёти, инсон ҳаётининг маъноси ва унинг билими, ишонч ва эътиқоди билан боғлиқ феноменал ҳодиса ҳисобланади. Маънавий-мафкуравий жараёнлар тушунчасининг ижтимоий-фалсафий таҳлили унинг жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевор сифатида қайд этиш мумкинлигини билдиради. Агар мафкура кишилар, ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш шакли сифатида объектив ҳодиса бўлса, маънавият бу ҳодисанинг назарий-методологик базисидир.

2. Барқарор тараққиёт дастури, демократик кадриятлар ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмлари мавжуд бўлган шароитда миллий мафкурага эҳтиёж кам сезилади. Аммо, жамиятни тўлиқ мафкурасизлантиришни талаб қилиш, тарихий ривожланиш жараёнида салбий оқибатларга олиб келгани аён бўлган. Ҳар қандай ривожланиш учун тенг шароитларни яратадиган ва ҳимоя вазифасини амалга оширадиган, жамият манфаатлари ва эҳтиёжларининг бутун спектрини акс эттирувчи миллий мафкуравий тамойилларга амал қилиш, уларнинг мезонларини ишлаб чиқиш – барқарор тараққиётга эришиш, миллий ўзликни сақлаб қолиш кафолатига айланади.

3. Жамиятнинг ўз миллий тараққиёт йўлини белгилаб, сифат босқичидан янги тизимга ўтиш даврида эски мафкуравий тизимлар янги ижтимоий жараёнларга мос келмай қолади, шунинг учун ҳам ўз вазифасини бажарган маънавий-мафкуравий ҳаётни модернизация қилиш ва бу борада

---

<sup>15</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.125

ислохотларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлади. Яъни, у ёки бу мафкура муайян тарихий шароитларда халқ ёки миллатнинг туб мақсадларини ифода эта олса, давр, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий тизимлар ўзгарганда улар замон руҳига мос келмай, ноадекват бўлиб қолади. Ана шу сабабдан ҳам маънавий-мафкуравий ислохотларни тараққиёт стратегияларига ҳамоҳанг равишда трансформация қилиниши – мафкуранинг давр руҳига, жамият ривожига ҳамоҳанглигини таъминлайди.

4. Маънавий-мафкуравий жараёнлар структуравий-функционал жиҳатдан ўзининг мураккаб тузилмасига эга. Жамият институционал тизимида бу жараённинг вазифаларини бошқа тузилмаларга уйғунлаштириш орқали ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи механизмларни шакллантириш имконияти яратилади. Мафкуранинг вазифаси инсон ҳаётида муҳим бўлган кадриятли асосларга таянишнинг муқаррар оқибатидир ва ғносеологик аҳамиятга эгадир. Мафкура миллатни бирлаштириш ва маърифий жамият барпо этишнинг таъсирчан воситасидир.

5. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий тараққиётнинг маънавий устунлигига эга бўлиш, нигилизм, пассивлик, конформизм ва инфантилизм руҳини енгил, ёшларнинг онги ва қалбида ўзларини тўлиқ англаш истагини уйғотиш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, айнан ёшлар энг ҳаракатчан, ички ва ташқи қарама-қаршилиқларга сезгир ижтимоий қатлам ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ёшлар қалби ва онгига оптимизм, келажакка ишонч ва оила, халқ фаровонлиги учун яшаш истагини уйғотадиган ғояларни сингдириб бориш долзарб аҳамиятга эга. Бу жараён маънавий ва ғоявий-мафкуравий тарбияни юксалтириш асосида амалга ошади.

6. Маънавий юксалиш ва мафкуравий барқарорликка эришишда оқилона ташкил этилган туб ислохотлар шиддаткор глобаллашув жараёнларида объектив заруратдир. Бинобарин, маънавий-мафкуравий жараёнларнинг ижтимоийлашувида фуқаролик жамияти институтларининг энг муҳим вазифаси ўзининг аниқ мафкуравий дастурини ишлаб чиқиш ва уларни амалий фаолиятга қўллашдан иборатдир. Замонавий маънавий-мафкуравий жараёнлар жамият томонидан назоратга олиниши, бир мафкуранинг бошқа мафкура томонидан куч билан сиқиб чиқаришдан иборат бўлган ёндашув истикболсиздир. Мақбул йўл сифатида фақат жамоатчилик назорати орқали ахлоқий тамойилларга амал қилган ҳолда фикрлар хилма-хиллиги, плюралистик ёндашувни таъминлаш – тараққиёт стратегиясига ғов эмас, аксинча, уни амалга ошириш факторига айланади.

7. Инсоният умумий маънавий-ахлоқий пойдевор яратиш зарурлигини англаши учун биринчи навбатда, ўзининг шахсий маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини қондириши ва ўзига хос ғоявий-мафкуравий мақсадга эга бўлиши керак. Шунинг учун, маънавият ва мафкура соҳасидаги мавжуд муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, янгилаш, фундаментал асосларини яратиш, унинг ижтимоий муҳит билан алоқасини, шахс онгини юксалтириш билан боғлиқ маънавий-ахлоқий ва ғоявий-мафкуравий мезонларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

8. Маънавий-мафкуравий ислохотларни самарали амалга ошириш ва ижтимоий-маданий тараққиётга эришишда миллий ўзликни англашга интилиш зарурияти кучайиб боради. Миллий ўзликни англашнинг қарор топиши ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланиб, у жамиятнинг янгилашиб боришини таъминлайди. Жаҳон тараққиётидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш, миллий тараққиётга салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган ислохотлар жараёнида миллий ўзликни англаш маънавий-мафкуравий функцияларнинг ўзгаришига олиб келади. Бунинг учун маънавий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш, мафкуравий ислохотларда трансформацияни амалга ошириш зарур бўлади.

9. Янги Ўзбекистон стратегияси бутун бир даврнинг фалсафий инъикоси, ҳозирги янгилашнишлар жараёнининг методологик асосидир. Бу тараққиёт дастури халқимизни бирлаштирадиган ва эзгу мақсадлар сари сафарбар қиладиган мафкуравий функцияни тўла амалга оширади. Глобаллашиб бораётган шиддаткор дунё чақириқларини чуқур англаш асосида яратилган, замонавий Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва имкониятлари, халқнинг яратувчанлик салоҳияти, мамлакатнинг истиқболларини жамият аъзоларининг теран англашига ёрдам берадиган муҳим маънавий манбаидир.

10. Маънавий ҳаётни янгилаш, мафкуравий тамойилларни белгилашда “инсон — жамият — давлат” омили жамиятнинг янги тараққиёт босқичида давр заруратини акс эттиради. Энг аввало, инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш, унинг манфаатларини ислохотларнинг асосий мезони тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этаётгани маънавий-мафкуравий жараёнлар парадигмасини тубдан ўзгартириш, уни трансформация қилиш лозимлигини кўрсатмоқда. “Янги Ўзбекистон” ғояси халқаро миқёсдаги барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг бўлиб, уни ёш авлод қалби ва онгига сингдиришнинг замонавий усул ва воситаларини ишлаб чиқиш маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишига, энг муҳим вазифасига айланди. Бу бир томондан, илғор мамлакатлар тажрибасини ҳаётга татбиқ қилишга имкон берса, айни вақтда халқимизнинг миллий, маънавий ва ахлоқий қадриятларини такомиллаштириш жараёнини янада юқори даражага олиб чиқишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижалари асосида амалиётга жорий этишга қаратилган куйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. “2022-2032 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт стратегияси”ни ишлаб чиқишда уни амалга оширишга қаратилган аниқ фаолият турлари бўйича “Йўл харитаси” тузиш ва уни тизимли амалга ошириш;

2. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” асосида “Янги Ўзбекистоннинг миллий ғоя концепцияси”ни ишлаб чиқиш ва бу борадаги “Ҳаракатлар дастури”ни амалий фаолиятга татбиқ этиш;

3. “Янги Ўзбекистон маънавияти” китоб-альбомини яратиш ва турли тилларга таржима қилиб, нашр этиш;

4. “Ғоявий тарбия” ўқув қўлланмасини яратиш ва нашр қилиш;

5. Олий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари ўқув режасига киритилган “Маънавиятшунослик” ва “Касбий маънавият” фанларининг методик таъминотини амалга ошириш мақсадида “Янги Ўзбекистон маънавияти” рукнида турли рисоалар чоп этиш.

6. Интернетда бир вақтнинг ўзида бир неча тилларда юритиладиган, миллий маънавий хусусиятларимизни ҳар томонлама очиб беришга мўлжалланган ([www.manaviyat.uz](http://www.manaviyat.uz), [www.milliygoya.uz](http://www.milliygoya.uz)) веб-сайтлар ташкил қилиш;

7. Республика Маънавият ва маърифат маркази қошида “Янги Ўзбекистон маънавий тараққиёт стратегиясининг долзарб масалалари” мавзусида доимий фаолият олиб борадиган илмий-амалий семинарни ташкил қилиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ШАРИПОВ АБДУХАКИМЖОН ЗИЁИТДИНОВИЧ**

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ТРАНСФОРМАЦИИ  
ДУХОВНО-ИДЕОЛОГИЧЕСКИХ РЕФОРМ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ**

**09.00.04 – Социальная философия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора наук по философским наукам (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.4.DSc/Fa150.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и по адресу (www.ziyonet.uz) информационно-образовательного портала "ZiyoNet".

**Научный консультант:** Назаров Киём Нормерзаевич  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Чориев Санжар Анварович  
доктор философских наук

Алиев Бекдавлат Бегалиевич  
доктор философских наук, профессор

Абилов Урал Муродович  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:** Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится "15" декабря 2021 г. в "9<sup>00</sup>" часов на заседании Разового научного совета PhD.03/27.02.2020.F.72.08 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200114, г. Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован под № 107). (Адрес: 200114, г. Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (65) 221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан "3" декабря 2021 года.  
(Протокол реестра № 21 от 3 декабря 2021 года.)



*Handwritten signature of G.N. Navruzova*

**Наврузова Г.Н.**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор,

**Нарзиев З.И.**

Учёный секретарь научного совета, по присуждению учёных степени, доктор философии (PhD) по философским наукам

*Handwritten signature of X.Yu. Salomova*

**Саломова Х.Ю.**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор философских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философских наук)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в качестве черт глобального развития проявляются обострение различных конфликтов интересов XXI века, обострение проблем в политике и общественной жизни, изменение идеологического ландшафта мира. Необходимо найти решение этого сложного вопроса через социально-экономическое, духовное и идеологическое обновление и изменение, реализацию концепции построения просвещенного общества, ориентируя их на гуманные цели. Особенно в настоящее время становится все более важным философски раскрыть закономерности, принципы и процедуры трансформации духовно-идеологических процессов, их тенденции в обеспечении устойчивого развития, сложные, противоречивые и синергетические особенности на основе новых парадигматических подходов.

Принципы категоризации общечеловеческих и национальных критериев трансформации духовно-идеологических процессов, тенденции их социализации, культурные основы и социокультурные направления укрепления стабильности в условиях глобализации глубоко изучаются мировой наукой, ведущими исследовательскими центрами, научно-исследовательскими институтами и учебными заведениями. Индексы, индикаторы и критерии устойчивого развития общества разрабатываются и применяются на практике в тесной связи с духовными и идеологическими процессами. В связи с этим растет потребность в создании научной базы для понимания специфики духовно-идеологических процессов, стратегических целей и задач, критериев и принципов их классификации, механизмов рациональной организации.

В последние годы в нашей стране проводятся глубокие реформы, направленные на повышение интеллектуального потенциала и сознания молодежи, духовного пространства, просвещенного общества, где человеческое достоинство является приоритетом. «Считаю, что в стратегии развития нашей страны на ближайший период отдельный раздел должен быть посвящен духовным и образовательным реформам. Масштаб и вес, важность и направления, эффективность в этой сфере деятельности в будущем, требуют разработки стратегии духовного развития Узбекистана на 2022-2032 годы и преобразования её в неотъемлемую часть государственной политики»<sup>1</sup>. В связи с этим, в контексте Нового Узбекистана, важно изучить обновление и радикальные изменения в духовной жизни, трансформацию идеологических реформ, их специфические законы и стратегии общественного развития, философские аспекты духовных и идеологических факторов в обществе.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.272-273

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Р-5465 от 8 апреля 2019 года «О мерах по разработке концепции развития национальной идеи на новом этапе развития Узбекистана», УП-3160 от 28 июля 2017 года «О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и развития сферы», УП-3907 от 14 августа 2018 года «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания», ПП-4307 от 3 мая 2019 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы», УП-5040 от 26 марта 2021 года «О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы», а также Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан №1059 от 31 декабря 2019 года «О мерах по реализации и утверждения Концепции непрерывного духовного воспитания», № 736 от 17 сентября 2018 года «О мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы в системе образования» и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информированного общества и демократического государства и путей их реализации».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** Научные исследования, направленные на изучение трансформации духовных и идеологических процессов в условиях глобализации, проводятся ведущими мировыми исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями, в том числе Кембриджским университетом (Англия), Университетом Британской Колумбии (Канада), Немецким институтом международных отношений и безопасности, Немецким советом по международным отношениям (Германия), Международной ассоциацией для комплекса Pensee (Франция), Японским институтом международных отношений (Япония), Центром исследований Центральной Азии (США), Институтом исследований международной политики (Япония), Центром изучения интеграции социально-культурного сотрудничества и глобализации (Беларусь), Азиатским институтом стратегии и лидерства (Малайзия), Национальным университетом Узбекистана, Бухарским государственным университетом, Ташкентским государственным экономическим университетом (Узбекистан).

В результате изучения трансформации духовных и мировоззренческих процессов в мире получены научные результаты разного уровня. В частности, мировоззренческие и идеологические особенности общества в

---

<sup>2</sup> Обзор зарубежных исследований по теме диссертации подготовлен на основе <https://www.bilderbergmeetings.org/>; <https://www.cfr.org/>; <http://trateral.org/>; <https://www.globalresearch.ca/>; <http://www.ras.ru/>; <https://www.msu.ru/>; <https://piie.com/about-piie>; <https://www.cfr.org/ru/vouthink/globalization.shtm>; <https://www.socionauki.ru / journal / article / 130854>; <https://www.uz.undp.org>; <https://www.pjie.com/vicosites/globalization/what-is-globalization.html>; <https://www.blomberg.com/graphics/2019-globalization/> и на основе других источников

XXI веке раскрываются в контексте глобализации (Центр глобализации Копенгагенский институт исследований будущего, Дания); выявлены особенности трансформации духовных ценностей (обновление национальных ценностей, гармонизация разных цивилизаций) (МГУ, НИЦ, Факультет глобалистики, ЮНЕСКО, Кафедра диалога философии и культур, Россия); проанализированы тенденции и динамика современных глобальных процессов (Школа Чумакова А. Н., Россия); Изучено влияние глобализации на социальное и духовное развитие (Антропологическое общество, Узбекистан).

Мировые центры социально-политических исследований проводят исследования по следующим приоритетным направлениям: во-первых, для выявления этапов развития духовных и идеологических процессов; во-вторых, определить роль духовно-идеологических процессов в осознании национальной идентичности, место социально-политических и культурных отношений в системе демократических реформ; в-третьих, научное изучение существующих проблем духовно-идеологических процессов в обеспечении сотрудничества и межнационального согласия между странами и новаторских способов их решения.

**Степень изученности проблемы.** Духовность - сложное явление, которое выражается в форме моральных ценностей и традиций в самом общем смысле. Проблемы роли духовных и идеологических процессов в развитии современного общества в истории мировой мысли изучались Вильгельмом Дильтеем и Эдвардом Шпрангером в конце XIX - начале XX веков с точки зрения преобладания психологических факторов по отношению к культуре и искусству. Позже Карл Густав Юнг попытался раскрыть духовность на основе гуманистического, трансперсонального и экзистенциального подхода. Термин «идеология» был введен во Франции в конце 18 века Антуаном-Луи-Клодом Дестютом, графом де Траси, который вместе с Этьеном де Кондильяком стремился создать науку об общих принципах формирования идей и основ человека<sup>3</sup>.

Из ученых Содружества Независимых Государств вопросы духовного обновления, смена ценностей в условиях трансформации, гармония идеологии с программами развития стали объектом исследования С. Токарева, А. Багаутдинов М., а современные решения духовных проблем в процессе трансформации в постиндустриальном обществе – М. Бахтина, Э. Динейкина, Н. Равочкина и др.<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Дильтей В. Описательная психология / Перевод с немецкого Е. Д. Зайцевой под ред. Г. Г. Шпета. - СПб.: Алетей, 1996. - 160 с.; Шпрангер Э. Новая философская энциклопедия: в 4 т. / Под. ред. В. С. Стёпина. - М.: Советская энциклопедия, 2010. — 2816 с.; Траси, Антуан-Луи-Клод. Основы идеологии. Часть первая: Идеология в собственном смысле слова / Д. А. Ланин (перевод, предисловие, комментарии). - М.: Альма Матер, 2013. - 334 с.; Кондильяк «Опыт о происхождении человеческих знаний» // Étienne Bonnot de Condillac, Hans Aarsleff. Essay on the origin of human knowledge. - Cambridge University Press, 2001. - P. 79.;

<sup>4</sup> Токарева С.Б. Аксиологические основания современной цивилизации: традиции и перспективы. – Волгоград: Волгоградский государственный аграрный университет, 2020. – 176 с.; Багаутдинов А.М. Амбивалентность духовности в информационном обществе: автореф. дисс. на соискание ученой степени доктора философских наук. – Саратов, 2016. – 42 с.; Бахтин М. М. К философии поступка // Философия и социология науки и техники: ежегодник. М., 1989. С. 85-89.; Динейкина Е.В. Духовно-нравственное

На тему духовно-мировоззренческих процессов в условиях Узбекистана провели ряд научных исследований С. Отамуратов Б. Туйчиев, Б. Алиев, И. Саифназаров, А. Эркаев, У. Абилов, А. Мухторов, Н. Джураев, М. Куронов, М. Юлдашова и другие ученые. Вопросы идеологической экспансии и необходимости национальной идеи в эпоху глобализации Ж. Яхшиликков, исследования Н. Мухаммадиева показали, что это жизненная необходимость. Аспекты духовного обновления, связанные с национальной идеологией и общественным развитием проводили исследования С. Мамашокиров, Н. Хакимов, З. Кодирова, С. Бердикулов, М. Каххорова и др. В частности, в этих исследованиях рассматриваются такие вопросы, как глобализация и сохранение национальной идентичности, взаимосвязь духовного развития и личностного развития, законы духовного развития, глобализация и социальная активность, а также диалог цивилизаций. В исследовании К. Назарова особое внимание уделяется феномену Нового Узбекистана, роли стратегий развития в эволюции общества, принципам духовного обновления и роли идеологической деятельности в общественном развитии<sup>5</sup>.

